

## ЗАМОНАВИЙ АЁЛЛАР МАТБУОТИДА ЖУРНАЛИСТ МАҲОРАТИ ВА ЎЗИГА ХОС ЛЕКСИК ХУСУСИЯТЛАРИ

**Мафтуна Жўраева,**

Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар  
университети магистранти

### АННОТАЦИЯ

Адабий тил – миллатни бирлаштирувчи ягона восита. Тил – халқники, ҳеч ким уни ўзича ўзгартираверишга ҳақли эмас. Ҳатто, миллатнинг бир бўлаги бўлган қавмнинг шеvasи билан адабий тил ўртасида у ёки бу масала, сўз ёки шаклда қандайдир икки хиллик келиб чиқса, албаттаки, адабий тил “енгади”. Бошқа ҳеч иложи йўқ. Шундай қилмасак, бошбошдоқлик келиб чиқади. Кейин эса калаванинг учини йўқотиб қўямиз. Ушбу мақолада ҳам замонавий аёллар журналида айнан тилнинг ўзига хос хусусиятлари қандай ёритилиши таҳлил ва таққослашлар билан ўрганилган.

**Калит сўзлар:** ОАВ тили, глобал ахборотлар, адресант, интенция, матн, адресат, таъсир

### КИРИШ

Ўзининг типологик хусусиятлари ва аудитория билан ишлаш усуллари, таъсир воситаларидан келиб чиққан ҳолда Британиянинг аёллар учун мўлжалланган журналлари ўзлари тарғиб қиладиган маълум бир ҳаёт услубини яратишади. “Ҳаёт услуби – бу индивид ёки гуруҳнинг фаолияти намунаси бўлиб, кундалик ҳаётга йўналтирилгандир. Ҳаёт услуби биологик, жамоавий ва ҳиссий эҳтиёжлар орқали шаклланади. У ёки бш ва бўш вақтни, ишдан ташқари кундалик фаолитни ташкиллаштириш, қадриятлар, одатлардан келиб чиқади”[1]. Албатта журналларда буларнинг журналист маҳорати ва унинг қай даражада таъсирчан тил воситалардан фойдаланиши шакллантиради.

### АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДЛАР

Ҳақли равишда бугунги ХХІ аср глобал ахборотлар ва янги технологияларнинг ривожланиш асри деб аталмоқда. Шундай экан халқнинг ахборотга бўлган эҳтиёжи кучайиши натижасида, журналистлар олдида қўйилган вазифалар ҳам мураккаблаша боради. Бу эса ахборот ва аналитик

жанрларда берилаётган материалларнинг тили ва услубининг мураккаблашуви, ихтисослашуви, маълум соҳага оид атамалар билан бойишида кўринади.

Сўнгги йилларда халқимиз миллий қадриятларни тиклаш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, бозор тизимига хос ижтимоий-иқтисодий муносабатларни шакллантириш, маданий-маънавий меросимизни ўрганиш ва уни тарғиб этиш жаҳон публицистикасининг бош мавзусига айланди. Бу эса, ўз навбатида ижтимоий ҳаётни, асосан, фактлар, далиллар асосида ёритувчи, жамиятнинг ривожини учун зарур бўлган воқеяликни холис ёритиб, унга объектив баҳо бера оладиган матбуотнинг сўз сиёсати сифатида кенг халқ оmmasига кириб бор ишига замин яратди. Ижтимоий сиёсий, илмий, адабий-бадиий, ҳажвий публицистик асарлар тезкорлик, таҳлилийлик ва бадиийлик хусусиятлари билан бойиб бориши ҳам эътиборга моликдир. Айтиш лозимки, ОАВ тили кўпинча маданият кўзгусига қиёсланади. “Унда нафақат инсонни ўраб турган олам, реал ҳаётини вазият, балки халқнинг ўз-ўзини ижтимоий англаш даражаси, менталитети, миллий характери, турмуш тарзи, урф-одат ва анъаналари, қадриятлар тизими, дунёқараши ҳам акс этади”. Шу сабабдан, “Шарқ матбуоти кўпинча эзгу ишларни ахтаради, ижобий томонларни топиб, мақтаб туради, яъни “Яхшилик кўпроқ бўлсин!” Ғарб матбуоти асосан негатив излайди, иллатларни топиб, фош қилади, яъни: “Ёмонлик камроқ бўлсин!” Иккиси ҳам тамойил сифатида тўғридир. Сир-синоат шундаки, ғарб матбуоти самаралироқ, чунки эзгулик мақтовга муҳтож эмас, ёвузлик эса доимий назорат остида бўлиши керак”. Босма ОАВда техника, ранг-баранг кадрлар, баланд овозлар ҳамда монтаж ёрдамида “сайқалланган” тасвирлардан фойдаланиш имконияти йўқ. Аммо ғарб матбуоти, хусусан Британиянинг аёлларга мўлжалланган журналлари матнининг таҳлили шуни кўрсатадики аудиовизуал журналистикадан фарқли ўларов, улар манипуляция имкониятларидан камроқ фойдаланишади, улар жамоатчиликни руҳий таъсирлар ёки олдиндан ўйлаб топилган технологиялар ёрдамида эмас, сўз ва ғояларга ишонтириш орқали бошқаради. Бунда стилистик бирликлар ҳамда тил хусусиятларининг ўрни бекиёс.

Журналистик материал жамиятнинг сиёсий-мафкуравий соҳасига хизмат қилади. Даставвал ушбу услубнинг асосий функцияси сифатида тилнинг таъсир этиш (волюнтатив) хусусияти эътироф этиларди. Лекин бугунги кунда биз ахборотнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни нақадар муҳим аҳамият касб этаётганинг гувоҳи бўляпмиз. Замонавий публицистик услубда тилнинг икки тенг ҳуқуқли вазифаси кўзга ташланади: ахборот бериш ва таъсир этиш. Информацион жанрлар ахборот бериш, таҳлилий жанрлар предмет ёки воқеа ҳодисани таҳлил қилиш, публицистика эса таъсир этиш функцияларини бажаради.

Коммуникатив услубшунослик нуқтаи назаридан журналлар матнидаги ўзига хосликлар адресант ва адресатдан ташкил топган тизимга асосланади.

*Адресант – интенция – матн – адресат – матннинг қабул қилиниши – таъсир* – дискурсив таҳлилнинг негизи мана шу тушунчалардан иборат.

Бу схемадан маълум бўладики, матннинг вужудга келиши муаллиф интенцияси (коммуникатив мақсад) дан келиб чиқади. Шундай қилиб, матннинг айнан интенционал белгилари матнни ҳосил қилувчи омил ҳисобланади.

Услубий ўлчамларнинг мана шундай янги тизимида журнал матнини адресатни маълум бир ғоялар тизимига ишонтиришга қаратилган фаол ижтимоий ҳаракат сифатида ўрганиш мумкин. Мулоқотнинг икки антропомаркази (адресант ва адресат) орасидаги етакчилик позициясини адресант, яъни хабар йўлловчи эгаллайди.

Журналдаги матнларнинг сиёсий-мафқуравий асослари, унда акс этган ижтимоий ва муаллифлик баҳоси, адресатга нисбатан прагматик йўналганлик унинг таъсирчанлигини оширишга хизмат қилади. Шунга кўра, журналдаги матн фақат нутқий асар эмас, балки мақсадли ижтимоий фаолият тури сифатида ўрганилади. Журналда фаолият юритаётган журналистнинг коммуникатив мақсади - ўқувчини ўз тасаввурлари, воқеликнинг талқин этилиши нафақат ҳақиқатга яқин, балки мутлақо тўғри эканлигига ишонтиришдан иборат. Бутун журнал матни мана шу мақсаддан келиб чиқади.

## МУҲОКАМАЛАР

Босма ОАВнинг назорат воситаси сифатидаги ўрни ҳамда жамоатчилик фикрига таъсири кўп ҳолларда унинг сиёсатга бўлган муносабати, сиёсий жараёнларни таҳлил этишдаги позициясига боғлиқ. Аёлларни қизиқтирган мавзулар бўйича аудитория қарашларини шакллантиришда босма нашрларнинг ўзига яраша ўрни бор. Агар матбуотни шу нуқтаи назардан таҳлил қиладиган бўлсак, Британиянинг аёлларга мўлжалланган журналларида сиёсатни ёритишдан қочиш, иложи борича уни “айланиб ўтиш” га уриниш тамойили устувор эканини кузатамиз. “Cosmopolitan”, “Glamour” журналларида фақатгина “Янгиликлар” рукнида Британия ва жаҳонда содир бўлаётган сиёсий воқеаларни мутлақо ёритмай, асосан шов-шувли воқеаларга урғу беради. Масалан, “Cosmopolitan” журналининг 2017 йил 6 сонидан берилган “Миясига электрод ўрнатилган эгизаклар ўз жонига қасд қилишди”, ёки ўша йилнинг 7 сонидан берилган “Кейт Хадсон учинчи мартаба она бўлади” каби янгиликлар шулар жумласидандир. Буни биз “Glamour” журналида ҳам кўришимиз мумкин. Журналнинг “Янгиликлар” рукнида бериб бориладиган барча хабарлар шоу юлдузларининг ҳаётида содир бўлаётган воқеаларга бағишланган бўлса,

“Woman`s own” журналида асосан қирол ва қироличалар ҳаётига кўпроқ урғу берилади: “The royal rule that William insists on breaking for Prince George and Princess Charlotte”[2], “11 times the Duchess of Cambridge paid tribute to Princess Diana”[3] шулар жумласидандир. Шу ўринда бундай янгиликларни ёритишдаги бирёқламалик, фикрлар хилма-хиллигининг йўқлиги, ягона ахборот манбаси билан чекланиш каби ҳолатларни ҳам айтиб ўтиш керак. Британия журналларидан фарқли ўлароқ мамлакатимизда аёлларга мўлжалланган нашрларда давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсати анча кенг ёритилади. Ўзбекистон Республикаси Хотин –қизлар кумитаси муассислигида чоп этиладиган “Саодат” журналининг ҳар бир сонидида мамлакатда юз бераётган воқеа-ҳодисалар ёритиб борилади. Журналнинг “Аёл ва сиёсат” рукни остида бериб бориладиган материалларда айнан республикамиз ривожига ҳисса қўшаётган аёллар ҳақида ҳикоя қилинади. Мазкур жараённи нодавлат нашр бўлган “Суғдиёна” газетасида ҳам кўриш мумкин. Газетанинг “Сиёсат” рукнида амалга оширилаётган ислохатлар ва уларнинг натижалари хусусидаги кўплаб хабарларни учратиш мумкин. Айтиш жоизки Британия нашрларидан фарқли ўлароқ миллий нашрларда мазкур рукннинг мавжудлиги бугунги кунда жамиятимизда аёллар алоҳида ўринга эга бўлиб, мамлакат ҳаётида уларнинг роли катталигини кўрсатади.

Журналистик материалларда Британиянинг “Cosmopolitan”, “Glamour”, “Woman`s own” журналларида сарлавҳа қўллаш нуқтаи назаридан миллий матбуотимиз нашрлари билан солиштириб кўрсак, аксарият ҳолатда “Саодат” журналининг сарлавҳалари “Woman`s own” га нисбатан анчагина бир хил қолипдаги, ижобий бўёқдор сарлавҳаларга эга эканлигини кузатишимиз мумкин: [“Жоннисорлар керак бу юртга”](#) (03.10.2017, “Саодат” журнали), [“Миллат маънавиятининг сарчашмаси”](#) (16.01.2018, “Саодат”), [“Она бахти – ватан бахти”](#) (24.05.2017, “Саодат”), [“Jennifer Grey opens up about working with Patrick Swayze”](#) (August 22, 2017, “Woman`s own” ), [“The Queen and Prince Philip – a story of love, loyalty, and longevity”](#) (24.09.2017. “Woman`s own”) ва бошқалар.

Нодавлат нашрларда биз биров ўзгача манзарани кўрамиз. Уларда иқтисодий-ижтимоий муаммолар бадиий-публицистик ва таҳлилий жанрларда, ўқувчи диққатини ўзига тортадиган бирор жонли воқеа билан бошланиши билан бирга, сарлавҳалари ҳам эътиборни жалб этади. Тили ва услуби сўзлашув тилига яқин, аммо адабий тил меъёрларига ҳам риоя этилади. Аввало сарлавҳаларга эътибор қаратайлик: “Оёғимдан айрилганда йиғламагандим”, “Хонадоннинг хира бурчаги”, “Она тили учун... таржимон керакми?”, “Куч - билакда эмас, журъатда ёхуд ёш оиланинг нўноқлигига ким “айбдор?” (“Суғдиёна”) ва ҳоказо.

Кўриб турганимиздек нодавлат нашрлардаги сарлавҳаларнинг ўзиёқ муштарийни мақолани ўқишга чорлайди.

Тадқиқотимиз объекти бўлмиш Британиянинг аёлларга мўлжалланган нашрлари ҳамда Ўзбекистонда аёллар учун чоп этиладиган “Саодат” журнали ва “Суғдиёна” газетасида берилаётган материалларнинг аудиторияга таъсир этувчи тили ва услубига тўхталар эканмиз, уларда аввало босма ОАВга хос бўлган хусусиятлар мавжуд эканлигини кўрамиз. Хусусан, журналистик матн мақоланинг мазмунини ифодалаган, функционал жиҳатдан тугалланган, тилнинг тасвир имкониятлари асосида шаклланган, ўзида турли услуб кўринишларини муаллиф ихтиёрига кўра эркин жамлай оладиган, кишиларга эстетик завқ бериш хусусиятига эга бўлган ғоят мураккаб бутунлик ҳисобланади. Журналистик матнда бошқа услуб матнларида бўлганидек қатъий мантиқ, соддалик, тушунарлилик, нормативлик каби қонуниятларга тўла-тўқис амал қилинавермайди. Унда бадий тасвир воситаларидан унумли фойдаланилади. Таъсирчанлик биринчи планга кўтарилади. Оҳангдор, жозибатор сўзлар кўп қўлланилади. Тасвирланаётган воқеликда уйғун бир мусиқа, ички бир гармония сезилиб туради. Инсонни руҳан тўлқинлантириш, йиғлатиш, кулдириш, хаёлот оламига етаклаш, ўйга чўмдириш, эстетик тафаккурини шакллантириш, воқеа-ҳодисаларга теран, бошқача назар билан боқишга ўргатиш каби кўплаб имкониятларни ўзида мужассам қилган. Бадий матн, маълумки, бадий услуб талаблари, қолиплари асосида шакллантирилади. Сўзларнинг танланиши, гап тузилиши, лексик - семантик, ритмик - интонацион бирликларнинг қўлланиши ҳам мазкур услуб талабларидан келиб чиқади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ҳар қандай матн ўзига хос тизимдир. Буни ўзаро бир-бирини тақозо қиладиган ҳалқалар мажмуига ўхшатиш мумкин: товуш (ҳарф)лар — сўзлар — иборалар — гаплар — абзац — бўлим, — қисм, — боблар.

Инглиз тилидаги матн таркибидаги бу ўзаро муносабат гапдаги сўзларнинг бир-бири билан бўлган муносабатига ўхшайди. Лекин матннинг таркибланиши гапдаги таркибланишдан тубдан фарқ қилади. Гапнинг синтактик қолипи турғунлашган, асрлар давомида шаклланган, ҳамма учун қулай фойдаланиладиган ва деярли ўзгармас бўлади. Сўзловчи ёки муаллиф ўз ниятига кўра мазкур қолиплардан ихтиёрий равишда фойдаланаверади. Матндаги ҳолат бундан бошқачароқ. Матнда сўзлар орасидаги муносабатдан кўра гаплар ўртасидаги алоқадорлик муҳим ҳисобланади. Агар гаплараро ҳам мазмунан, ҳам шаклан алоқадорлик мавжуд бўлмаса, матн бутунлиги ҳақида ҳам гапириш мумкин эмас. Журналистик матндаги композицион бутунлик тушунчаси макон ва замон мувофиқлиги, ифода ва қолип уйғунлиги ҳамда мотивацион яхлитлик

тушунчалари билан узвий боғлиқ. Журналистик матнни лисоний таҳлил қилиш жараёнида бундай боғлиқликларга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Масалан, “Woman’s own” журналининг 2017 йил сентябрь сонидан берилган журналист Ричел Мартиннинг “Princess Anne, the Princess Royal: the hardest working royal” мақоласида қиролича Анна фаолияти ва унинг “қийин” ҳаёти хусусида сўз боради: *“This past year, the Queen’s daughter has even racked up more appearances than Prince Philip, the Duke and Duchess of Cambridge, and Prince Harry put together! She boasts a whopping 455 engagements completed this year – with a further 85 events abroad. That means she completed over 540 events in total. Pretty impressive! However, Prince Charles very slightly pipped his sister to the post, having completed 546 in total in 2017. The King-to-be has evidently upped his workload, as his mother the Queen slows down her duties following her 91st birthday.*

*Educated at Benenden School in Kent, Princess Anne began carrying out public engagements when she was 18 years old. Her very first official engagement on behalf of the royal family was the opening of an educational and training centre in Shropshire in 1969.”*

Кўриниб турибдики, мақоланинг тили содда ва раво бўлиб, ўқувчи тезда қиролик оиласининг “қувонч ва ташвишлари”дан бохабар бўлади.

## ХУЛОСА

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, ҳар қандай журналистик матннинг таъсирчанлигини унда қўлланилган тасвир воситалари таъминлайди. Уларсиз материал куруқ ва зерикарли бўлади. Чунки ўқувчи, айниқса нозик таъб аёллар учун материалда қаламга олинган воқеаларгина муҳим эмас. Балки, воқеалар қандай ифодалангани, ахборотнинг қандай узатилгани, безатилгани аҳамиятлидир. Журналистнинг маҳорати мазкур тасвир воситаларини қай даражада ишлата олишига боғлиқ бўлади. Журналист материали хоҳ у инглиз тилида, хоҳ ўзбек тилида ёзилган бўлсин ўқувчи эътиборини тортган бўлса, албатта бу мақола, интервью, эссе, репортаж ҳақида у ёки бу даражада фикр-мулоҳазалар берилган бўлади. Бунга айниқса “Cosmopolitan”, “Glamour”, “Woman’s own” ҳамда “Саодат” журнали, “Суғдиёна” нашрларининг интернетдаги веб-саҳифалари, ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари фикр ва изоҳларни қолдиришга кенг имконият яратиб берган. Уларда ўқувчи ўзига ёққан материал хусусида бемалол ижобий ва салбий фикрларини билдириши мумкин. Бу таҳлил холислигини таъминлашга ёрдам беради.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Мирвосприятие и образ жизни: [Монография] / Рос. акад. образования. Ин-т образования взрослых; [Под ред. Ю. Н. Кулюткина, С. В. Тарасова]. — СПб: Образование-Культура, 1999. С.123
2. [Amy Hunt](#). The royal rule that William insists on breaking for Prince George and Princess Charlotte. August 17, 2017. Read more at <http://www.womanandhome.com/news-and-entertainment/542678/royal-rules-william-breaks-george-charlotte#cbZA1RXPqpQ7MHJJ.99>
3. [Rachael Martin](#). “11 times the Duchess of Cambridge paid tribute to Princess Diana”. August 20, 2017. <http://www.womansown.co.uk>.